



Кыргыз Республикасынын Билим берүү жана илим министрлигиги

Ош мамлекеттик университети

Кыргыз филологиясы жана журналистика факультети

«Казак тили жана маданияты» борбору

«Озбек тили жана маданияты» борбору

85  
жыл

ОшМУнун 85 жылдыгына карата уюштурулган «Түрк элдеринин руханий интеграциясы: тил, адабият, маданият» аттуу эл аралык илимий-теориялык конференциянын материалдары



Ош шаары, 2024-жыл

ЎЗГАРИШЛАР ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	450-456
<b>17. Лещенко С.Г.</b>	
БИЛИНГВИЗМ КАК АКТУАЛЬНАЯ ПРОБЛЕМА ОРГАНИЗАЦИИ ЛОГОПЕДИЧЕСКОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ.....	456-463
<b>18. Мирзаев И.К.</b>	
ПРАГМАТИКА ВА УНИНИГ ГАП САТХИДА НАМОЁН БҮЛИШИ.....	463-467
<b>19. Мирзакулов С.М.</b>	
ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ҚИЕСИЙ ЛЕКСИКОЛОГИЯСИ ВА СЕМАСИОЛОГИЯСИ МАСАЛАЛАРИ.....	467-476
<b>20. Муродова Д.Ш.</b>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ЁЗУВ ВА ЛОТИНЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	477-483
<b>21. Нармырзаева К.Ж., Аширалиева Р.</b>	
«ДОС» КОНЦЕПТИНИН КOGNITIVТИК КАТЕГОРИЯЛАРЫ Ч.АЙТМАТОВДУН ЧЫГАРМАЛАРЫНЫН МИСАЛЫНДА .....	483-488
<b>22. Обилов М.О.</b>	
ЛИНГВИСТИК МОДАЛЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТАЛАР.....	488-495
<b>23. Омашева Ж.М., Жумагелдин Ж.Ш., Төлеуова М.Т.</b>	
МАХМҰТ ҚАШҚАРИДІҢ КӨНЕ ТУРКІ СӨЗДІГІ МЕН ЛАТЫН ГРАФИКАСЫНДАҒЫ КЕЙБІР ФОНЕТИКАЛЫҚ ЕРЕКШЕЛІКТЕРІ.....	495-501
<b>24. Рұзиев Э.Ү.</b>	
XIV – XV АСРЛАР АЙРИМ ТУРКИЙ ЁЗМА МАНБАЛАРДА СИЁСИЙ НУТҚ ШАКЛЛАРИНИНГ ҚҰЛЛАНИЛИШИ.....	501-506
<b>25. Сиддикова Ш.И.</b>	
ЎЗИНИКИ БҮЛМАГАН КҮЧИРМА ГАПЛАРНИНГ СЕМАНТИК-ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ .....	506-513
<b>26. Sinem Y.</b>	
KIRGIZCA VE TÜRKÇE DEYİMLERDE CİNSİYET STEREOTİPLERİNİN LİNGUA KÜLTÜREL YÖNDEN İNCELENMESİ .....	513-522
<b>27. Сулайманова М.И., Алисултонова Н.А.</b>	
КЫРГЫЗ ЖАНА ӨЗБЕК ТИЛДЕРИНДЕГИ АДАМДЫ ТУЮНТУУЧУ МЕТАФОРАЛЫҚ МААНИЛЕРДИН ЛЕКСИКА-СЕМАНТИКАЛЫҚ.....	522-528
ТОПТОРУ	

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЁЗУВ ВА ЛОТИНЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Муродова Д.Ш.,

Бухоро давлат университети Археология ва  
Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, PhD  
*dilrabo.mirod82@gmail.com*  
(Ўзбекистон, Бухоро)

**Аннотация:** Ушбу мақолада XX асрнинг 20-йилларида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг Ўзбекистонда жорий этилиши ва у билан боғлиқ муаммоларнинг архив манбаларида акс этиш жараёнларига тарихий баҳо берилади ва бу борада бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган алифбо ислоҳоти таҳлил этилади. Совет ҳокимиятининг маданий меросни инкор этиш ғояси асосида амалга оширилиб, ўзбек халқи учун қадрият ва миллий меросга айланган амалдаги араб ёзувини лотин алифбосига алмаштириш ва лотин ёзувини жорий қилишдаги зиддиятлар, айниқса, сиёсий, ижтимоий-иктисодий ҳамда маданий-маърифий жараёнлар билан боғлиқ манбалардаги маълумотлар таҳлил қилинган. Янги алифбони жорий этиш ва ўзбек тилини ўрганиш билан боғлиқ ислоҳолар нуктаи назаридан, лотин ёзувини жамият ҳаётига олиб кириш ташаббускори бўлган илғор жадид зиёлилари томонидан бу борада илгари сурилган ғоялар ва амалий ишлар таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** Ёзув, ислоҳот, лотинлаштириш, маданият, тарих, ҳужжатлар, алифбо, архив, лойиҳа, таклиф.

**Кириш.** Ёзув тарихи ўзбек халқининг маданияти, им-фани, маърифати, ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ тарихнинг ажралмас қисмидир. Халқимиз ўтмишида ёзувининг сўнгги бир асрлик тарихига оид материаллар таҳлили шуни кўрсатадики, бу даврда ёзувнинг ижтимоий-маърифий ҳаётимиздаги ўрнини тўғри тушунган, шу боисдан ёзувни демократлаштириш ва миллийлаштириш ғоясини жонкуярлик билан тарғиб этган маърифатчи юртдошларимиз анчагина бўлган. 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги» қонуни қабул қилиниб, Олий Кенгашининг 1993 йил 2-3 сентябрдаги XII – чақириқ XIII-сессиясида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш тўғрисидаги қарори тасдиқланган. Ушбу қонунлар асосида қабул қилинган ўзбек алифбоси дастлаб 31 ҳарф ва бир тутуқ белгисидан иборат бўлган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 6 майда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Олий Кенгаш қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Бу ҳужжатда ўзбек алифбоси 26 та ҳарф, 3 та ҳарф бирикмасидан иборат эканлиги белгиланган.

**Метод.** Мазкур масалага оид тадқиқотни амалга оширишда тарихий изчиллик, қиёсий таҳлил ҳамда холислик тамойилларига асосланган ҳолда жараён тарихи таҳлил қилинди. Янги алифбони жорий этиш ва такомиллаштириш бўйича ўзбек алифбосини танқидий қайта қўриб чиқиши ва унинг қўлланишини осонлаштириш, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига янада мослаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган. 2020 йил 20 октябрда Ўзбекистон Президентининг «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармонда ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро

миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш, ўзбек тили ва сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва вазифаларини ҳамда истиқболдаги босқичларини белгилаш вазифалари кўйилди. 2021 йил 10 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори қабул қилинди. Қарорда шахсни тасдиқловчи гувоҳномалар, ID-карталар, турли бланкалар, иш қофозлари бундан ташқари, марказий, маҳаллий босма ва электрон ОАВ, интернет сайтлари, нашриётлар, матбаа корхоналари, расмий веб сайтлар фаолияти тўлиқ лотин ёзувига асослан ўзбек алифбосига ўтказилиши белгиланди [1].

Таҳлил. XX асрнинг 30-йилларигача бўлган даврда Ашурали Зоҳирий, Фитрат, Элбек, М.Шермуҳаммад, Тошмат, Шокиржон Раҳим, Раҳим Инғомов, М.Усмон, С.Уйғур, Гози Олим, Отажон Ҳошим, Маннон Рамз, А.Йўлдош, Ёкуб Омон, Иброҳим Тоҳирий, С.Иброҳим ўғли, Ориф Олимжонов, Боту, М.Расулий, Бекжон Раҳмон ўғли, Шокир Сулаймон, Қаюм Рамазон каби қатор зиёлиларимиз алифбо ва имло ислоҳотлари ишида фаол иштирок этишган. Ўзбек ёзувининг XX аср тарихи мураккаб жараёнларга бой бўлди: бу даврда ёзув уч марта ислоҳ қилиниб – бир график тизимдан бошқа график тизимга кўчирилган. Жаҳон халқларининг ёзув тарихида бундай ҳодиса камдан кам учрайди. Мавжуд манба ва хужжатлар таҳлилидан шу нарса маълум бўладики, ўзбек ёзувининг XX аср тарихи тўрт даврни ўз ичига олади:

- 1-давр – араб графикасига асосланган (1900-1929 йиллар).
- 2-давр – лотин графикасига асосланган (1929-1940 йиллар).
- 3-давр – рус графикасига (кирилитсага) асосланган (1940-1993 йиллар).
- 4-давр – икки ёзувлилика (рус-ўзбек ва янги лотин-ўзбек алиболарига) асосланган йиллар (1993-2010 йиллар).

Ўзбек ёзуви тарихида лотин ёзувига асосланган алифбонинг бир нечта варианatlари қабул қилинганлигини тарихий тажрибада кўришимиз мумкин: 1. 1929-1934 йиллар алифбоси, 2. 1934-1940 йиллар алифбоси, 3. 1993-1995 йиллар алифбоси, 4. 1995 йил ва ҳозирги амалдаги алифбодан иборат. Алифбодалардаги ҳарфлар кўриниши ва талаффузи жиҳатидан фарқли хусусиятларга эга бўлиб, бу ҳам ўз навбатида жамиятда илмий савиянинг пасайишига олиб келган.

Тарихий тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, ёзув билан боғлиқ ўзгаришлар совет ҳокимияти томонидан XX асрда бир неча бор амалга оширилган. Бу советларнинг маданий меросни инкор этиш фояси асосида амалга оширилиб, ҳалқимиз учун қадрият ва миллий меросга айланган амалдаги араб ёзувини лотин алифбосига алмаштириш ҳақидаги 1929 йилдаги қарорда ўз аксини топган эди.

1919 йил Тошкентда Фитрат бошчилигига тил-имло ва адабиёт масалалари билан шуғулланувчи тўгарак-семинар «Чигатой гурунги» жамияти ташкил топади. Бу ҳақда «Иштирокион» газетаси шундай ёзилган: «Тошкентда ёш

бухороликларнинг фаол аъзоларидан Фитрат афанди ила ўзбек ёшларидан «Чигатой гурунги» номли янги бир жамият тузилган. Миллий ишлар комиссариати тарафиндан тасдиқ этилиб ишга киришкан. Бу жамиятнинг мақсади: Туркистондаги эски ва янги туркий асарларни жам қилиб, туркий тилни ихё қилув ҳақинда материёл ҳозирламоқ, лугат ва адабиёт дунёсини бойитмоқдир» [2, 5].

XX аср бошларида минтақадаги кескин ижтимоий-сиёсий жараёнлар, айниқса, маориф ва таълим ишларида, ёзув амалиёти, ўқиши кўникмаларида қатор қийинчиликларни келтириб чиқарган, матбаа-босмахона ишларини мураккаблаштиргани боис ҳам «Чигатой гурунги» жамияти халқни дунёвий тараққиёт сари олиб чиқиш мақсадида алифбо ва имло муаммолари билан шуғуланишга мажбур бўлган эди.

1921 йилнинг 1-5 январида Тошкентда бўлиб ўтган биринчи ўлка ўзбек тили ва имлоси қурултойида Абдурауф Фитрат сўзга чиқиб, мактаб масаласининг муваффакиятли ҳал этилишида имлонинг ўзига яраша ўрни бор эканлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг маърузасида қуидаги асосли фикрлар келтирилган эди: «Мактаб масаласининг энг муҳим рукни имло масаласидир. Мактаб масаласи қанча кенгайса, қанча юруса имло масаласи ҳам шунга қараб кенгаяр, юрушар. Бутун миллатлар ёзуни ўқимоғоч маънони онглай олмайдилар. Маънони онгламоқ учун ёзуни ўқийдилар. Биз эса маънони онглай олмасақ ёзуни ўқиёлмаймиз. Эски ёзумизда бир қадар қийинлик, бузукликлар бор экан, биз ҳукуматимизнинг маориф программасидан бошқа миллатлар қаторида фойдалана олмаймиз, унлардан кейин қоламиз. Бошқалар бир ярим ойда савод чиқарсалар, биз ярим йилда чиқарамиз, бошқалар бир ярим ойда бутун синф болаларининг саводини чиқарсалар, биз ярим йилда бир синф болаларининг юздан элликтасини ҳам саводини чиқара олмаймиз. Мана янги имложиларимизнинг мантиқи: буларни янги имлога мажбур қилғон сабаблар шулардир».

Дастлаб ўзбек ёзувини лотинлаштириш ғояси 1921 йилда ўзбек тили ва унинг имлосига бағищланган I-Ўлка қурултойида ўртага ташланган бўлиб, кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланмаган эди. Кенгаш иштирокчиси таниқли жадид намояндаси Абдурауф Фитрат ўз нутқида араб графикасини босмалашда ва қўллашда бир қатор қийинчиликлар борлигини кўрсатиб ўтиш билан бирга, уни соддалаштириш зарурлигини таклиф қилган ҳолда араб графикасини сақлаб қолиш лозимлигини таъкидлайди. Лекин, кейинчалик А.Фитрат ўз фикрини ўзгартириб, ўзбек ёзувини лотинлаштириш тарафдори бўлган.

XX асрнинг 20-йилларида алифбони ўзгартириш масаласи қатор зиёлилар ўртасидаги кескин тортишувларга сабаб бўлган эди. Бу мунозарали чиқишлилар «Тил, атама ва имло баҳслари» рукнида «Иштирокион», «Фарғона», «Туркистон», «Қизил байроқ», «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» газеталари, «Маориф ва ўқитғучи», «Аланга» журналларида акс этган бўлиб, маърифатпарвар зиёлилар «муштарак турк алифбоси» ғоясинининг моҳиятини ўз қарашларида халққа очиб берган эдилар.

1926-йил марта Боку шаҳрида бўлиб ўтган I Умумиттифоқ туркшунослар анжуманида ҳам бу муаммо қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Албатта, ислоҳот ўтказишдан мақсад, аввало араб имлосига қараганда анча енгил

ўзлаштириладиган лотин имлосини ўрганиш билан саводсизликни мумкин қадар тезроқ тугатиш учун интилиш эканлигини сезиш қийин эмас. Аммо, ёзувнинг лотинлаштирилишига қарши турган мухолифлар, советларнинг бу йўли кўп миллатли Совет Ўрта Осиёси халқларини Шарқ мусулмон мамлакатларидан сунъий равища ажратиб олиб, улар учун алоҳида янги маданият ва тарих яратишни мақсад қилиб қўйганлар, деган фикрлари мутлақо тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади [3, 392].

Ўзбекистонда амалга оширилган лотинлаштириш сиёсати ўз навбатида хукмрон мафкурунинг минтақадаги мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишда тўсқинлик қилувчи сиёсий сабабларга ҳам эга эди. Бу ўринда Ўрта Осиё халқларининг айниқса, жадид зиёлиларининг қўшни Туркия билан яқин алоқаларини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Ўз даврида лотинлаштириш сиёсати таникли тилшунос олимлардан луғатшунос, 2 жилдлик биринчи ўзбекча-русча луғатнинг муаллифи – Гози Олим Юнусов, таникли ўқитувчилар – Қаюм Рамазонов, Абдураҳим Йўлдошев, Пўлатхон Қаюмов ва бошқалар қарши турган эдилар. Улар бу ислоҳотни маданий билимсизлик деб баҳоладилар.

Лотин ёзуви Ўзбек халқи ва ёзуви тарихида икки марта жорий этилган бўлиб, дастлабки қарор 1929 йил 15-23 майда Самарқанд шахрида бўлиб ўтган Республика адиблари, тил-имлочилари ва зиёлилар иштироқидаги конференцияда қабул қилинган ва бу қарор 1929 йил 10 августда ЎзССР Халқ маориф комиссарлиги ҳайъати томонидан тасдиқланган эди. Конференцияда сингармонизм – яъни, оҳангдошлиқ, уйғунлик ёки унлилар гармонияси сифатида эътироф этилган фонетик ҳодиса ўзбек адабий тили учун хос деб топилиши натижасида 9 та унли учун алоҳида ҳарфлар киритилган. Бироқ, шу асосда ишлаб чиқилган имло қоидалари ўзини оқламагани учун 1934 йилдаги навбатдаги Тил ва имло масалаларига бағишлиланган Республика қурултойида бу масала қайта кўрилиб, алифбога тегишли ўзгаришлар китилади.

Ихтиёрийликдан кўра кўпроқ мажбурийликка асосланган бу жараён Москвада ишланган режа асосида амалга оширилган эди. Самарқанд конференциясида қабул қилинган «лотинлаштирилган ўзбек алифбоси» 33 та ҳарф ва бир белгидан иборат бўлган. Ушбу алифбонинг тарихий асл ҳолати бугунги кунда Бухоро вилояти архив фондларида мавжуд бўлиб, бугунги алифбо билан солиштириб таҳлил қилишимиз мумкин бўлади [4, 24]. 1929 йилги алифбо асосида ёзилган архив манбаларини таҳлил қилиб ўрганиш жараёни биз учун ҳам бир қатор қийинчиликларни туғдирди. Масалан, 1929 йил 9 февралдаги Ўзбекистон ССР МИҚ ҳузуридаги Янги лотин алифбоси қўмитасининг 1322 сон хатидаги лотинлаштириш жараёни билан боғлиқ вазифалар ва мажбуриятларни тасдиқловчи раҳбарият мухридаги ёзувда уч тилда: араб, лотин, кирилл алифбосидаги ҳарфлар акс этган бўлиб, матндан сўзларни ёзишда жиддий хатоликларга йўл қўйилган. Ҳарфларни бугунги алифбодаги ҳарфлар орқали ўқиганимизда бошқа товушлар талаффузи келиб чиқади. Бундан ташқари баъзи сўзларда кирилл алифбосидаги ҳарфлар ҳам қўшиб юборилганлигини кўрамиз.

Марказий давлат идораларининг ҳукумат ҳужжатларида бу каби қўпол хатоларнинг акс этишини қандай изоҳлаш мумкин. Аслида халқни «саводли

қилиш учун» дея олиб борилган бу ишларни натижасини архив хужжатлари кўрсатиб турибди.

Мавжуд архив манбаларини кўздан кечирганимизда Бухорода ҳам 1927-1930 йилларда саводсизликни тугатиш мақсадида, айниқса, бу тадбирга ўзбек хотин-қизларини кенг жалб қилиш, ўқитувчилар тайёрлайдиган курслар ва лотинлаштириш курслари учун керакли дарслик ва адабиётларга ажратилган маблағлар кўрсатилган. Бухоро вилояти давлат архивининг таълим муассасалари фаолиятига оид фондларини ўрганиш жараёнида Бухорода лотин ёзуви билан боғлиқ ислоҳотларининг амалга оширилиши, айниқса бу жараён биринчи навбатда таълим муассасалари ва уларнинг ходимлари орасида мафкуравий тарғибот ва ташвиқот ишлари асосида олиб борилганлигини мавжуд хужжатлар асосида кўришимиз мумкин [5, 50].

Тил ва ёзув билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар кўп миллатли Бухоро заминида халқ учун мураккаб бўлган тарихий шароитда олиб борилганлиги архив манбаларида акс этган бўлиб, уларда XX асрнинг 20-30 йилларида Эски Бухоро шаҳрида ўзбек, тожик, қирғиз, туркман, рус, татар, арман, форс, афғон, яхудий, украин, белорус, латиш, поляк, турк ва ҳатто, Ўзбекистон Тропик медицина институтининг Бухоро ва Фиждувондаги бўлимлари ходимларининг 1928 йил 15 декабрдаги янги алифбони билиш даражалари кўрсатилган рўйхатда эстон, чех, герман миллатига тегишли ходимлар борлиги ҳам қайд этилган. Янги алифбони жорий этиш ва ўзбек тилини ўрганиш билан боғлиқ ислоҳолар нуқтаи назаридан, лотин ёзувини жамият ҳаётига олиб кириш ташаббускори бўлган Абдурауф Фитратнинг она шаҳри Бухорои шарифда ҳам Ўзбекистоннинг бошқа худудларида бўлгани каби қатор зиддиятлар ва қийинчиклар асосида кечганлигини кўришимиз мумкин. Бу давр тарихий жараёнларини кўздан кечиргандаги лотинлаштириш ислоҳотини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатган бир нечта тарихий омилларни келтириш мумкин.

Саводсизликни тугатиш курслари, янги алифбони ўргатувчи тўгарак ва курслар, ўзбек тилини ўргатувчи курслар фаолияти йўлга қўйилганлигини архив хужжатларидаги ҳисоботлардан билса бўлади. Бироқ, бу каби маҳсус курслар биринчи навбатда шаҳар марказларида ташкил этилган бўлиб, марказдан олис бўлган худудларда эса мактаб масалаларини қониқарли деб бўлмас эди. Бу ўз ўрнида иқтисодий маблағлар билан ҳам боғлиқ бўлганлиги боис янги ташкил қилинаётган мактаб ва ўкув курсларига аҳолининг маълум бир қисмигина жалб этилган.

Алифбо ва имло ислоҳотларининг ташкилий жиҳатларини ёритувчи тарихий жараёнлар ҳам архив хужжатларида акс этган бўлиб, жумладан, саводсизликни битириш курсларининг ташкил этилиши, ислоҳ этилган алифбода дарсликлар яратилиши, барча босқичдаги мактабларда таълимнинг янги алифбога кўчирилиши билан боғлиқ Бухородаги жараёнлар етарлича акс эттирилган. Масалан, Бухоро округ ижроия қўмитаси қошидаги ўзбек янги алифбо округ қўмитаси ёзишмалари ва ҳисоботларида Бухоро шаҳрида ташкил этилган 14 та янги алифбо курсларининг рўйхатлари келтирилади.

Яна бир хужжатда янги ўзбек алифбоси марказий комитети томонидан Бухоро Ҳудудий Халқ Таълими бўлимига 1927-1928 ўкув йили учун лотинлаштириш

курсларини очишга 500 рубл сўралгани қайд этилган бўлиб, бироқ кейинги жараёнда 1940 йилги янги ёзув ислоҳоти натижасида бу тадбирлар халқ манфаати учун хизмат қилмаганлигини кўрсатади. Лотинлаштиришни амалда 1928 йил 1 октябрдан бошлаб жорий этиш бўйича ҳукумат кўрсатмалари бўйича ёзишмалар ҳам Бухоро вилоят давлат архивининг таълим тизимиға оид фондларида сақланади. Бу ҳужжатларда қайд этилишича, Бухородаги лотинлаштириш ислоҳотлари бўйича расмий хабарлар «Аланга» журнали ва «АЗАД БУХАРА» газеталарида янги алифбо асосида нашр этилганлиги кўсатилган [6, 22].

**Хуноса.** Маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, тарихий анъаналари, қадриятларни ўзида акс эттирган минглаб араб ёзувидаги нодир манбалардан халқни маҳрум этган ҳолда амалга оширилган лотинлаштириш сиёсати ва у билан боғлиқ ғоявий тарғибот ишларининг барчаси 30-йилларнинг охирига келиб мутлақо кераксиз бўлиб қолди. Ёзувни лотинлаштириш учун ишлатилган катта маблағлар эса бекор кетди. Чунки бу даврга келиб, ҳеч қандай ташвиқотсиз, буйруқ тарзида ёзувнинг навбатдаги янги ислоҳоти-кирилицага ўтиш ҳақида қарор қабул қилинди. 1940 йил май ойида Ўзбекистон ССР Олий Совети III сессиясида Т.Н.Қориниёзовнинг маъruzasi бўйича ёзувнинг рус графикасига ўтказиш ҳақида кўрсатма берилган. Бир асрлик тарихга эга бўлган лотинлаштириш жараёни яқин тарихимизда жуда ҳам кўп синовли босқичлардан ўтганлигини юқоридаги маълумотлар кўрсатиб турибди.

**Таклиф.** Бироқ ҳалигача бу масалага аниқ илмий ёндашувларнинг йўқлиги кўриниб турибди. XX аср бошларида ёқ жадид тараққийпарварлар томонидан дунёга чиқиши мезони сифатида эътибор қаратилган тил ва ёзув масаласи бугунги кунда ҳам жамиятимиз олдидаги ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. <https://www.lex.uz/docs/>
2. N. Jamolxonov, A. Umarov. O'zbek yozuvining XX asr tarixi.1-kitob. – Toshkent. 2017. – B. 5.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 392.
4. Бухоро вилоят давлат архиви. 43-фонд, 1-рўйхат, 27-йиғмажилд, 24-варақ.
5. Бухоро вилоят давлат архиви. 43-фонд, 1-рўйхат, 30-йиғмажилд, 50-варақ.
6. Бухоро вилоят давлат архиви. 43-фонд, 1-рўйхат, 115-йиғмажилд, 22-варақ.

**Аннотация:** В данной статьедается историческая оценка внедрения узбекского алфавита на основе латиницы в Узбекистане в 20-е годы XX века и процессы отражения связанных с ним проблем в архивных источниках, и в связи с этим реформа алфавита. Анализируется проводимая сегодня в Узбекистане работа. Противоречия при введении латиницы и замене действующей арабской графики, ставшей для узбекского народа ценностью и национальным достоянием, основаны на идее советской власти об отрицании культурного наследия, особенно политического, социального-экономические и культурно-образовательные процессы, проанализирована информация из смежных источников. С точки зрения реформ, связанных с внедрением нового алфавита и изучением узбекского языка, идеи и практические работы, выдвинутые передовыми современными интеллектуалами, инициировавшими внедрение латиницы в жизнь общества, являются проанализировано.

**Ключевые слова:** Письменность, реформа, латинизация, культура, история, документы, алфавит, архив, проект, предложение.

**Abstract:** This article provides a historical assessment of the introduction of the Uzbek alphabet based on the Latin script in Uzbekistan in the 20s of the 20<sup>th</sup> century and the processes of reflection of related problems in archival sources, and in this regard, the alphabet reform that is being carried out in Uzbekistan today is analyzed. Based on the Soviet power's idea of denying the cultural heritage, the replacement of the current Arabic script with the Latin alphabet, which became a value and national heritage for the Uzbek people, and the contradictions in the introduction of the Latin script, especially the information from sources related to political, socio-economic and cultural-educational processes, were analyzed. From the point of view of the reforms related to the introduction of the new alphabet and the study of the Uzbek language, the ideas and practical works put forward by advanced modern intellectuals who initiated the introduction of the Latin script into the life of the society are analyzed.

**Key words:** Writing, reform, 483чу насос483y483, culture, history, documents, alphabet, archive, project, proposal.

## «ДОС» КОНЦЕПТИНИН КОГНИТИВИК КАТЕГОРИЯЛАРЫ Ч.АЙТМАТОВДУН ЧЫГАРМАЛАРЫНЫН МИСАЛЫНДА

Нармырзаева К.Ж.,  
Ош мамлекеттік  
университеттін доценти, ф.и.к.  
*knarmyrzaeva64@mail.com*  
Аширалиева Р.,  
ОшМУнун магистранты  
(Кыргыз Республикасы, Ош шаары)

**Аннотация:** Макалада Ч.Айтматовдун чыгармаларынан «дос» концептине мисалдарды берүү аркылуу түзүү, анын тилдик өзгөчөлүктөрү, кептеги орду коомчулукка тийгизген таасири, тилдик уюшулушу, колдонулган тилдик каражаттар мүнөздөлөт. Концептин чыгармалардын тилинде автор тарабынан берилиши анализденип талданды. Когнитивдик лингвистиканын объектиси катары тил аркылуу дүйнөнү өздөштүрүү, тилде катталган этностук билим тажрыйбаны жана билимди изилдөө, тилде чагылдырылган дүйнө сүрөтүн жана концептосфераны талдоо жагы калыптандыгы берилет. Когнитивдик изилдөөлөр элдин маданий эс – тутумунда калыптанган тажрыйбаны таанып билүүгө багытталып, улуттук менталитетти, анын баалуулуктарын Ч.Айтматовдун чыгармаларынын мисалында терең түшүнүүгө жол ачат деген ишенимдебиз.

**Ачкыч сөздөр:** концепт, когнитивдик лингвистика, когинитивдик түзүм, когнитема, сценарий, фрейм, концептосфера, тилдик каражаттар.

**Киришүү.** Илимде **концепт** – жекече көз карашка, эмоцияга, экспрессияга жана баалоого чүмкөлгөн этностук билимдин, тажрыйбанын, ой туюмдун белгиси деп түшүнүк берилет. **Когнитивдик лингвистиканын** объектиси катары тил аркылуу дүйнөнү өздөштүрүү, тилде катталган этностук билим тажрыйбаны жана билимди изилдөө, тилде чагылдырылган дүйнө сүрөтүн жана концептосфераны талдоо проблематикасы калыптанды. Макалада Ч.Айтматовдун чыгармаларынан «дос» концептине мисалдарды берүү аркылуу түзүү, анын тилдик өзгөчөлүктөрү, кептеги орду коомчулукка тийгизген таасири, тилдик уюшулушу, колдонулган тилдик каражаттар мүнөздөлөт. Концептин чыгармалардын тилинде автор тарабынан берилиши анализденип талданды. Когнитивдик изилдөөлөр элдин маданий эс-тутумунда калыптанган универсалдуу тажрыйбаны таанып билүүгө